

Сийрат дарслари (75-дарс). Суббухун - Аллоҳ таолонинг исмларидан



13:40 / 06.03.2020 6374

336. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам етти аъзо билан сажда қилишга амр қилиндилар - кийим ва сочни йиғиштирмасдан - **«пешона, икки қўл, икки тизза ва икки оёқнинг учлари билан».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда шундай келган: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Қуйидагилар билан сажда қилишга буюрилдик.....»**

Бухорий ривоят қилган.

Ва бошқасида шундай дейилган: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Етти аъзо билан сажда қилишга буюрилдим; «Пешона билан, – деб қўллари билан бурунларига ишора қилдилар, – икки қўл, икки тизза ва икки оёқнинг учлари билан, кийим ва сочни йиғиштирмаслигимга»,** дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

337. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ ва саждаларида: **«Суббуҳун, Қуддусун Роббул малаикати вар-Руҳ»,** дер эдилар».

Муслим ривоят қилган.

Суббуҳун – Аллоҳ таолонинг исмларидан бўлиб, «нуқсонлардан пок» маъносини билдиради.

Қуддус исми эса, «покланган» маъносини билдиради.

Ар-Руҳдан мурод, Жаброил алайҳиссаломдир.

338. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ ва саждаларида: **«Субҳанакаллоҳумма Роббинаа ва биҳамдика. Аллоҳуммағфирлий»,** дер эдилар». Қуръонни таъвил қилардилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан